

Рустамжон домла Раҳматуллоҳзода



16:16 / 10 февраль 2101

Устоз Рустамжон домла Раҳматуллоҳзода 1943 йили Жиззах вилояти Фориш туманида туғилган.

1959 йили ўрта мактабни битириб, 1961-66 йилларда Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги педагогика институтида ўқиган.

1969-80 йиллар орасида Носир қори, Алихонтўра Соғуний ва Юсуфхонтўра Шокировлардан диний билимларни ўзлаштирган. 1979-83 йилларда Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маъҳадида таҳсил олган.

Устоз Рустамжон домла узоқ йиллик фаолияти давомида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасининг «Хорижий алоқалар бўлими»да таржимон, Жиззах ва Сирдарё вилояти қозиси, шунингдек, Жиззах шаҳридаги «Қўшчинор» жомеъ масжидида имом-хатиб, фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларига бош котиб, Зангиота туманидаги «Зангиота» жомеъ масжидида имом-хатиб, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маъҳадида мударрис, «Кўкалдош» ўрта махсус Ислом билим юртида мударрис, Тошкент Ислом университетида ўқитувчи бўлиб халқимизга хизмат қилган.

Устоз Рустамжон домла Раҳматуллоҳзода 2026 йил, 10 февраль куни фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилдилар.

Устоз Рустамжон домла Раҳматуллоҳзода ҳазратларининг фазилатли шайх
Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ ҳақларида берган
[интервьюлари](#).